

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 22-dekabr, seshanba 70-71 (9107-9108)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев  
21 декабрь куни Туркменистон Президенти  
Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Сухбат аввалида Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарини мамлакатимиз МДХ-га самарали раислик қилгани ва Ҳамдўстлик саммитини муваффақиятли ўтказгани билан самимий табриклади.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатлар кучайиши ва коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон Ҳамдўстликка раислик концепциясини тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни амалга оширишга муваффақ бўлгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги

дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этдилар.

Пандемия оқибатларига қарамай, савдо алоқалари ривожланмоқда, иқтисодиёт тармоқларида, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқурлашиб, гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Давлат раҳбарлари саноат кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни илгари суриш учун Ҳукуматлараро қўшма комиссия ишини фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳа-

ларидаги фаол мулоқотларни давом эттиришга, бунда икки халқ таниқли санъат ва фан арбобларининг кенг иштирокида мамлакатларимизда қўшма тадбир ва форумлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентининг Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасида юқори даражадаги Ашхобод конференциясини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бўлажак тадбирда Ўзбекистон Республикасининг делегацияси иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилди.

Сухбат якунида Президентлар кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутлаб, мамлакатларимизнинг қардош халқларига тинчлик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

ЎЗА

## IT-ПАРК САМАРҚАНД ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд шаҳрида дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки – IT Park очилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов, Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекось иштирок этди ва мазкур маскан фаолиятига тўхталди.



Курилиш-реконструкция ишларига миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган парkning умумий майдони 0,63 гектар бўлиб, бу ерда коворкинг маркази, резидент ва стартапчилар учун офислар, ахборот-коммуникация технологиялари, робототехника ўқув хонаси, киберспорт хонаси, учрашувларни ўтказиш хоналари (митинг румлар), конференц зал, интервью зона, кафе ва бошқа ёрдамчи хоналар мавжуд.

IT Park томонидан ўқув марказлари учун компьютер техникалари, оргтехника ва робототехника қурилмалари ажратилди.

Биринчи босқичда бу ерда 10 кишининг бандлиги таъминланиб, 100 кишини ўқитишга имконият яратилган бўлса, иккинчи босқичда ўқитувчилар сони 20 нафарга, резидент ва стартапчилар сони 300 нафарга етиши кутилмоқда. IT Parkда таълим ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

Бинода 6 та майдон тадбиркорлик субъектларига тақдим этилади.

IT Park ҳудудий филиалида дастурий маҳсулотлар, стартап лойиҳалар, инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларга таъбиқ этилади.

– Бугун замон ўзгаряпти, ҳаётимизда ахборот технологияларининг ўрни ошиб бормоқда, давлат ва жамият ҳаётида ҳам рақамли иқтисодиёт роли ортмоқда. Ана шундай пайтда IT Parkлар замон билан ҳамнафас инсонлар, айниқса, ёшларнинг сеvimли масканига айланади, – деди Э.Турдимов. – Шунинг учун келгусида барча туман ва шаҳарларда, Самарқанд шаҳрининг ўзида бир нечта IT Parkлар бўлади.

Ғ.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2020 йил 19 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишени давом эттирди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мазкур ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда "Узрпорт" телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намоиш этилди.

Дастлаб суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари замирида бўлган инсон ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлаши йўлида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида бешта қонун муҳокама қилинди.

"Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларга доир суд қарорларини қайта кўришнинг процессуал тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратганлиги билдирилди.

Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонунлар суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилишни назарда тутди.

Шу билан бирга, амалда бўлган назорат инстанцияси тизими суд ишларининг йиллаб ўз ечимини топмасдан фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиш билан бирга халқаро тажрибага ҳам мос келмайди.

Жумладан, қонуний кучга кирган суд қарорларини бир неча марта қайта кўриш имконияти мавжудлиги манфаатдор шахслар суд ишидаги мавҳумлик ҳолатидан бир неча йиллар азият чекишга маҳкум бўлиши, охир-оқибат суд ҳокимиятининг обрў-эътиборига путур етказиши, фуқаролар ва кенг жамоатчиликда судларга нисбатан салбий муносабат, шунингдек, ҳуқуқий тизимга нисбатан ишонсизлик юзага келиши учун шарт-шароит яратди.

Давлатимиз раҳбарининг "бир суд – бир инстанция" тамойилининг илгари сурилиши суд қарорларини қайта кўриш тизимида йиллар давомида тўпланиб келинган муаммоларнинг ҳал қилинишига айна муддао бўлиб, ушбу тизимни тўдан кўриб чиқишга асос солди. Унга қўра, халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилди. Яъни биринчи инстанция – туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича – вилоят судлари, апелляция инстанция – вилоят даражасидаги судлар, кассация инстанцияси – Олий



суд. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинади.

Ўз ўрнида, сарсонгарчиликни бартараф этиш ва фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида ўзгартишларга асосан вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов хайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилмоқда.

Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилмоқда. Шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилмоқда. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолинмоқда.

Сенаторлар мазкур Қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши қандай натижалар бериши масалаларига ҳам алоҳида тўхталди.

Таъкидланганидек, вилоят суди томонидан биринчи инстанцияда кўрилган суд ишлари юзасидан берилган шикоятларни шу суднинг ўзи томонидан юқори инстанция суди сифатида кўрилиши амалиётига барҳам берилади. Натижада ушбу жараёндаги коррупциявий омиллар бартараф этилиб, шикоят қилиш институтининг самарадорлиги ошади.

Шунингдек, ўрта бўғиндаги судлар асосан апелляция инстанцияси суди сифатида ихтисослашгач, уларнинг масъулияти кучайтирилиб, барча диққат-эътибори суд қарорларининг сифатига қаратилади ҳамда биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинади. Бунда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш ва одил судловни амалга ошириш сифатини янада яхшилаш имконияти яратилади.

Ўз навбатида, суд ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтининг тугатилиши ва кассациянинг учинчи инстанция суди сифатида белгиланиши натижасида суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги бевосита ундан норози томоннинг тўғридан-тўғри берган шикояти асосида кўрилишига эришилади. Судларда ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар қисқартирилади.

Бу эса суд қарорларини қайта кўриш масаласидаги халқаро стандартлар талабларини процессуал қонунчилиги имплементация қилинишига, суд мустақиллиги, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги

бўйича халқаро рейтингларда мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди ва мутасадди идораларга уларни кенг тарғиб қилиш ва тўлиқ ишлаши учун зарур механизмларни ишлаб чиқиб, жорий этиш топширилди.

Шундан сўнг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу Қонун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тегишли Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базасини тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш, норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари долзарб масала эканлиги қайд этилди.

Тан олиш керак, қонунчилик амалиётида норма ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг тарқоқлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли муаммолар ва коллизияларни келтириб чиқараётган эди.

Янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунда амалдагидан фарқи ўлароқ бир қатор янгиликлар белгиланмоқда. Бунда:

- қонунчилик ҳужжати лойиҳалари юзасидан ўтказиладиган экспертизалар, жумладан, коррупцияга қарши ва гендер тенгликни таъминлаш экспертизалари ҳамда уларни ўтказиш тартиби;

- лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилинишининг ҳуқуқий механизми;

- лойиҳа таъсирига баҳолаш институти киритилиши;
- ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тушунчаси ва уни ўтказиш тартиби;

- қонун ҳужжатлари ва қонуности ҳужжатларига қўйиладиган асосий талаблар каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида ҳуқуқий соҳадаги кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда норма ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли бўлган барча ўзгартиришлар, шу жумладан, қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиш механизмининг қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш таъминланади.

Сенат аъзолари мазкур Қонунни маъқуллади.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда миллий ахборот макони ва инфратузилмасини ривожлантиришда сезиларли ислоҳотлар қилиниб, суз эркин-



лиги ва ахборот очкилигини таъминлаш жараёни кескин ўзгарди. Халқ билан мулоқотда янгича шакллар пайдо бўлиб, давлат органлари учун очкилик ва шаффофлик талаби юзага келди. Ҳар қимнинг ахборот излаш, олиш, тўплаш, тарқатиш ва ундан эркин фойдаланиш, ўз фикр ва қарашларини эркин ифодалаш қонунларимизда кафолатланган.

Шу билан бирга, ахборот эгаларининг сўз масъулияти ва унинг оқибатлари бўйича жавобгарликни ҳис қилиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши ҳам тегишлича белгилаб қўйилган.

Шунга қарамай, шахсининг кадр-қимматини камситиши, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ҳамда жамоат тартиби ёки хавфсизлиги учун таҳдидга эга бўлган ёлгон ахборотни тарқатиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ёки интернет тармоқларида жойлаштириш орқали тарқатиш ҳоллари тез-тез учраётганлиги таъкидланди.

Телекоммуникация ва интернет тармоқларида ахборотнинг тарқалиш жараёнини самарали тартибга солувчи муҳим нормаларнинг етишмаслиги алоҳида қайд этилди.

Айтиш жоизки, бундай шароитда фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатларини таъминлайдиган ҳуқуқий майдонни яратиш муҳим ҳисобланади.

Шу масалаларни ҳал этиш, тегишли ҳуқуқий майдонни яратиш вазифаларини мувофиқлаштириш учун мазкур Қонун ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Қонуннинг мақсади – долзарб, ишончли ва жамият учун муҳим бўлган ахборотни эркин тарқатиш жараёнларига кўмак берадиган амалий ҳуқуқий механизмларни яратиш, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ҳамда журналистларнинг профессионал фаолиятининг ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ҳимоясини таъминлаш, миллий ахборот макони ҳамда ҳуқуқ тартибидо асослари хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш.

Мазкур Қонун билан ёлгон ахборотни тарқатганлик учун юридик жавобгарлик чораларининг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларининг ҳимояланиши, коммуникация тизимига долзарб ва ишончли ахборотларнинг киритилиши, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигининг таъминланишига кўмак беради.

Шунингдек, ушбу Қонун билан киритилган диффамация (яъни, туҳмат ва ҳақорат) ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар таркибига нисбатан енгиллаштириш чоралари жамиятда очкилик даражасини ошириб, Ўзбекистон Республикасининг халқро реитинглар ва индекслардаги кўрсаткичларининг кўтарилишига ёрдам беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин “Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ва “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунларга ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ тушунчаларга тўлиқ ва аниқ изоҳ берилмаган эди. Бу эса амалиётда ҳуқуқий нормаларни қўллашда айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган эди.

Қолаверса, амалдаги Қонунда тендер бошланишидан бир ой олдин оммавий ахборот воситаларида, давлат органи веб-сайтларида эълон қилиниб, манфаатдор шахслар доирасини аниқлаш жараёни назарда тутилган. Малака ҳужжатлари фақатгина эълон муддати тугагандан кейин қизиқш билдирганларга юборилиши белгиланган. Айнан шу ҳолат тендер жараёнини аксарият ҳолларда бир ойга кечиктирилишига сабаб бўлаётган эди.

Эндиликда Қонунга ички амалиёт ва халқро тарғибдан келиб чиқиб, “концессия”, “махсус лойиҳалаштириш компанияси” ва “талабгор” деган янги тушунчалар киритилиб, уларга тасниф берилмоқда. Бозорнинг ишлаш механизмларига монанд қоидаларини белгилаш мақсадида Қонунда ишлатиладиган бошқа асосий тушунчаларга аниқлик киритилмоқда.

Сенаторлар эътибор қаратганидек, кўриб чиқилаётган ўзгартишларда тендер ўтказиш жараёнини тезлаштириш учун эълон бериш билан бир вақтда тендер ҳужжатларини ҳам тақдим қилиш белгиланмоқда.

Шунингдек, хусусий шерик ҳуқуқларининг кафолатлаш нормаси аниқлаштирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари давлат-ху-

сусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартларини ёмонлаштирса, хусусий шерик давлат-хусусий шериклик объектдан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини, қолаверса, давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини талаб қилишга ҳақли, деб белгиланмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битими доирасида ўз ихтиёрларидаги объектларни аниқлаш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, чет эл инвесторлари иштирокидаги лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўққинлик қилувчи омилларни ва мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича чоралар кўриш ваколатлари берилмоқда.

Мазкур Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши соҳа ҳуқуқий асосини халқро амалиётга мослайди, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ягона қоидалар ҳамда талабларнинг бажарилишини таъминлайди. Шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган сарф-харажатларнинг қисқаришига, мамлакатнинг инвестициявий муҳити ва жозибдорлиги ошишига, тармоқларга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилишига ва натижада янги иш ўринлар яратилишига олиб келади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур Қонун амалдаги 14 та қонун ҳужжатлари, шу жумладан, 11 та қонун ва 3 та Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Киритилаётган ўзгартишлар кенг қамровли бўлиб, улар жамиятнинг ҳаётининг кўпгина соҳаларига ижобий таъсирини ўтказиши назарда тутилмоқда.

Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига оид қонунларга киритилаётган меъёрларга асосан маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинган қонунга зид қарорларни бекор қилиш ваколати Сенатга берилмоқда. Шу билан бирга, депутатни жавобгарликка тортишга розилик беришни халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари орқали ҳал этиш амалиётининг воз кечилмоқда.

Маҳаллий Кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш билан бир қаторда юқори палатанинг фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунларга Сенат томонидан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг фаолиятига доир ҳисоботларни эшитиш амалиётини жорий этиш, шунингдек, ҳудудий манфаатлардан келиб чиқиб, Сенат томонидан Давлат бюджетининг ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш тартиби ўрнатилмоқда.

Қонунга асосан давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдирномаларни бажармаганлик учун, давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳақидаги Давлат активларини бошқариш агентлиги органларининг тақдимномалари бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Иқтисодиёт соҳасида яна бир ўзгартишга кўра, эмиссиявий қимматли қозғаларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йиғимлар энди республика бюджетига эмас, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги хузуридаги Капитал бозорни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгиланмоқда.

Ўз ўрнида, Қонун билан давлат бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, ижобий хулоса олингандан сўнг ҳисобга олиниши ҳамда ўз-ўзи билан сўнг жорий этилиши, умумий техник регламентлар эса бундан мустаснолиги белгиланмоқда.

Мазкур Қонун маҳаллий давлат ҳокимиятини органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат харидлари субъектларининг масъулиятини ошириш, маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, Ҳуқумат вакилларининг қонуний талаблари ўз вақтида бажарилиши, техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатларнинг такомиллаштиришига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июндаги ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислохотларнинг истиқболда натижадорлигини таъминлаш, хусусан, божхона фаолияти самарадорлигини оширишда соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштириш, уни халқро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур Қонун Киото конвенцияси қоидалари асосида Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилиги, тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш орқали мамлакат ташқи савдо фаолиятини рағбатлантириш мақсадларига қаратилган.

Киото конвенцияси қоидалари тавсиявий характердаги стандартлар шаклида Жаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган.

МДҲ мамлакатларидан Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозғоғистон, Россия, Тожикистон ва Украина давлатлари Киото конвенциясига қўшилган.

Мажлисида ушбу Қонуннинг қабул қилиниши келгусида мамлакатнинг инвестицион жозибасини ошириш, нуфузли халқро реитинглардаги ўрнини яхшилаш, шунингдек, божхона қонунчилигини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Конвенцияга аъзо бўлиш мамлакат ташқи савдо фаолиятини янада рағбатлантириш имкониятини тақдим этиб, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, хусусан, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиши айтаб ўтилди.

Ушбу Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат томонидан Ойбек Арифбекович Усмановнинг Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Факулда ва Мухтор Элчисини лавозимига тайинлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Мазкур масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўзинчи ялпи мажлиси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг 2020 йил 27 ноябрдаги Қарорига мувофиқ Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга кўшган ҳиссаси учун тақдирланган 6 нафар Ўзбекистон фуқаросига ташкилотнинг фахрий нишонларини топширди.

“Маданият ва санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун” фахрий нишони билан Исмаилова Жаннат Ҳамидовна, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, Пиязов Женисбек Буркитович, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси.

“Матбуот ва ахборотни ривожлантиришдаги хизматлари учун” фахрий нишони билан Абдуллаев Илҳом Зоирович, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси, Аъзамов Қуддус Аъзамович, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телеканали “Янги жамият” студияси бош муҳаррири.

“Жисмоний тарбия, спорт ва туризмни ривожлантиришдаги хизматлари учун” фахрий нишони билан Ли Людмила Рудольфовна, Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг гимнастика бўйича мураббийи, Тасмударов Эльмурат юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, етти карра Ўзбекистон чемпиони тақдирланди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Парламент юқори палатасининг ўзинчи ялпи мажлисида 21 та масала, шу жумладан, 14 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўзинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати  
Ахборот хизмати



## Наманган вилояти

– Учқўрғон туманининг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларини ўзлаштиришга келиб, бир умрга шу заминга боғланиб қолган, асли Норин туманининг Тошлоқ қишлоғидан бўлган (охиратлари обод бўлсин) Эргашбой ака, турмуш ўртоғи Ўрозгул ая ва уларнинг меҳнатсевар фарзандлари ҳақида нафақат мақола, бутун бошли китоб ёзсангиз арзийди, – дейди узоқ йиллар собиқ "Учқўрғон" совхозига директорлик қилган меҳнат фахрийси Эргашбой Бозоров.



# Юрак ёнмоғи керак...

– Улар шу ерларни серҳосил дала, боғларга айлантираман, дея қадимда ертўлада кун кечирган. Йўл чиқариш, ариқ қазиб, сув келтириш, дала шийпони, тиббий пункт, дўкон, боғча, мактаб, маҳаллалар барпо этиш ишларида қатнашган. Бир гап билан ифодалайдиган бўлсак, тумanning энг обод Янгиер қишлоғи учқўрғонликларнинг кўз ўнгида, ушбу сулоланинг қалб кўри, саъй-ҳаракатлари билан бўй кўрсатди, кўрганки инсон ҳавас қилгудек ҳудудга айланди.



нав, наслни ўрганишдан эринмади. Маҳаллий ҳудудга мосларини танлаб олди. Бу эса хўжаликнинг тезроқ иқтисодий бақувват жамоага айланишига асос бўлди.

оилаларга тарқатилди. 500 тонна дон ўзида қолди. 10 гектарлик интенсив боғдан 95 тонна олма, шафтоли, 13 гектар сабзавот, 0,5 гектардаги лимонхонадан ҳам юқори ҳосил олинди. Польша ва Австрия давлатларидан олиб келинган 210 бош сигирнинг ҳар биридан кунига 25-35 литрдан сут соғиб олинмоқда.

Гулхумор Тоғаева болалигидан китобга меҳр қўйган. Бу борада ҳозир ҳам жамоаси, маҳалла аҳли, набира-ларига ўрнак. Умрини ҳуда-беҳудага ўтказётган кимсаларга ачиниш билан қарайди. Юраги ёниб ишлайдиган ҳар қандай инсонни қадрлайди, ҳурматини жойига қўяди. Ўз устида доимо ишлашни, тажриба орттиришни энг мақбул амаллардан деб ҳисоблайди. Айрим кимсалар каби толганини шахсий манфаати учун эмас, кўпчиликка нафи тегадиган ишларга сарфлашни хуш кўради. Элига, юртига, шу жумладан, ўзи туғилиб ўсган маҳалла аҳлига имкон қадар фойдам тегса дейди. Ёрдамга муҳтож оилаларнинг томорқаларини ҳайдаш, уруғ билан таъминлаш, парваришига қарашиш борасида доимо кўмакка тайёр. Қишлоғида ҳам ривожланган шаҳарлардагидек шароитлар бўлишини истаб, тиниб-тинчимийди.

Шунининг учун ҳам унга ҳамқишлоқлари катта ишонч билдириб вилоят кенгаши депутатлигига сайлаган. Г. Тоғаеванинг саъй-ҳаракати билан "Янгиер" маҳалласи "Обод қишлоқ" дастурига киритилди. Қисқа фурсатда 39-мактаб, мактабгача тарбия муассасаси, ҚВП мукамал таъмирдан чиқарилди. Тез тиббий ёрдам шаҳобчаси янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилди. 8 км. йўлга асфальт ётқизилди. 79 та симёғоч ўрнатилиб, замонавий ёриткичлар билан таъминланди.

Тадбиркорнинг ўзи ўтган йиллар мобайнида 6 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлади. Маҳалласида икки қаватли 46 ўринли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган шифохона, мини стадион, кунига 20 тонна ун, 2000 дона тайёр нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехларни барпо этди. Энди янгиерликлар шифо истаб олисларга бориб овора бўлмайди. Эшитишимизча, бу саломатлик масканига ҳатто пойтахтликлар ҳам келиб даво топиб кетмоқда экан.

## ИЛҒОРЛИКНИНГ СИРИ НИМАДА?

Опа бошлиқ фермер хўжаликлари илғорлигининг сири нимада? Нега ери, суви бир, ёндош хўжаликларда ҳамон ҳосилдорлик ҳаминқадар. Иқтисодий самарадорликдан кўнги тўлмаяпти? Бу саволларга жамоаларда меҳнат қилаётган 698 нафар ишчи-ҳодим билан гаплашсангиз жавобини топасиз.

Уларга иш ҳақи вақтида берилади, навбат билан ўзи ва оила аъзолари хусусий шифохонада белуп даволанади. Ҳар йили ишчилар бугдой билан таъминланади, тўй-маъракаларга хўжалик ҳисобидан моддий кўмак ажратилади, уйга муҳтожларига хўжалик ҳисобидан котежлар олиб берилади, такрорий экинлар парвариш қилиниб, йиғиштириб олингач, хўжалик аъзоларига берилади...

Энди айтингчи, шундай шарт-шароитлар яратилган жамоада ким ҳам сидқидилдан меҳнат қилишни орзу қилмайди?!

## СОҒ ТАНДА СОҒ АҚЛ

– Халқимизда касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, деган пурмаъно нақл бежизга айтилмаган, – дейди замонамизнинг ҳақиқий қахрамони Гулхумор Тоғаева. – Қаранг, юртимизда бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Мусаффо ҳаво, сув, бетакрор табиат оғушида-миз. Фақат ҳафсала етишмайди. Ташаббускорлик камроқ. Келгуси йили ўз маблағларим ҳисобидан қишлоғимизда 12 та спорт турини ўз ичига оладиган спорт комплекси қуриш ташаббуси билан чиқдим. Бунинг умумий қийматидаги бу иншоот қад ростласа янгиерликлар қатор спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, мажмуадан кутубхона ҳам жой олади.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## ЯХШИЛАРДАН БОҒ ҚОЛУР...

Яхшидан боғ қолади, дея бежизга айтилмаган. Уша тарихий кунлардан буён қанча баҳор, ёз, куз, қиш ўтди. Ана шу чекка бир маконда туғилган оиланинг саккиз нафар фарзанди ота-оналари орзу қилган инсонлар бўлиб етишди. Тошкентдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиди. Қобилиятли, интилувчан ака-сингилларга пойтахтда қолиб ишлаш, илмий ишлар қилиш борасида таклифлар бўлди. Аммо кўнги алдамади, қишлоққа қайтсанг кам бўлмайсан, дея она қишлоқ чорлайверди. Ўзлари учун қадрдон жойларни обод қўшага айлантириш, ота-оналари руҳини шод этишга бел боғлади.

Уларга етачилик қилишни Гулхумор Тоғаева ўз зиммасига олди. Ҳар якшанба ота ҳовлида жамулжам бўлиб ишларни сарҳисоб қилиш, янги режаларни белгилаш, қийналганга кўмаклашиш одат тусига айланди. Тез орада ака-ука Тоғаевлар номи туман, вилоятга танилди. Ташаббуслари юртга ёйилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, биринчилардан бўлиб фермерчилик ҳаракатига қўшилди. Тендерда қатнашиб, ғолиб чиқди. Отаси бош бўлиб ўзлаштирилган далаларда эмин-эркин меҳнат қила бошлади. Гулхуморнинг ўзи "Гулхумор" фермер хўжалигига етакчи бўлиб изланди, имкониятларни қидириб топди. Инновацион технологияларни соҳага сафарбар этишдан чўчимади. Пилла, ғалла, пахта, чорва, боғ йўналишида янги

## ТЕХНИКА – ДЕҲҚОНГА ҚАНОТ

Гулхуморнинг сув камчил бўлган йилнинг жазирама саратонида ағат олувчи техника сўраб бормаган жойи қолмади. Агротехник тадбир икки, уч кунга кечикди. Олди кўсақлаган гўзалар деҳқон тили билан айтганда "жизза" бўла бошлади. Шунда фермер биринчи галда ўзининг замонавий гаражи, техникаларига эга бўлиши шартлигини юрак-юрагидан ҳис этди. Соф даромади ҳамда имтиёзли кредитлар ҳисобидан ҳар йили зарур техникалар харид қилишга эътибор қаратди. Натижада кўрганки ҳавас қилгудек замонавий гараж шаклланди. Мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган 30 га яқин ҳайдов, чопиқ тракторлари, Германиянинг 2 та "Класс" комбайни, ишлов мосламалари захираси яратилди. Яқинда 1 млрд. 650 миллион сўмга "Самсунг" экскаватори, мини трактор харид қилди. Бу техникалар билан 2020 йилда оталиққа олинган қатор фермер хўжаликларининг 1128 гектар майдондаги пахта, ғалла, боғ, сабзавот ва лимонзорларига ишлов берилди. Натижада ана шу хўжаликлардаги 420 гектарнинг ҳар гектаридан 45 центнердан кам бўлмаган 1700 тоннадан ортиқ пахта хирмони уйилди. 420 гектар ғаллазордан 65 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинди. 1500 тонна сара дон давлат қабул пунктларига топширилди. 475 тоннаси ишчилар ва кам таъминланган



Хоразм ВИЛОЯТИ

# Ака-ука Ўдабоевлар

САХОВАТПЕШАЛИК

## ИЛК ҚАЛДИРҒОЧ

Шовот азиз авлиё-анбиёлар пой-қадами теккан қутлуғ замин. Муслмон оламига танилган буюк аллома Юсуф Ҳамадоний пирнинг қадамжоси ҳам шу заминда, тўғрироғи Бешмерган қишлоғида жойлашган. Булбулзабон санъаткор Комилжон Отаниёзовни тетапоя қилган юрт ҳам шу заминдир.

Раҳматлик уста Матсафо ота ҳам ана шу пиру комил Юсуф Ҳамадоний хазратлари зиёратгоҳи жойлашган Бешмерган қишлоғида туғилиб ўсди. Ота-боболари шайхлар ўтган Матсафо ота бир умр ҳалоллик, поклик, адолат ва ҳақиқатни ўзига шиор қилиб яшади. Унинг болалиғи айни қийин даврларга тўғри келди. Юртда уруш, очарчилик авж олган даврлар...

Матсафо ота қанчалик қийналмасин ўзининг эътиқодига бир умр содиқ қолди. У дастлаб Бўйрачи қишлоғидаги пахта пунктида ишчи, кейинчалик “Соҳибкор”-жамоа хўжалиғида бригадир бўлди. Бу орада аёли Саодат она билан ўн фарзандни вояга етказди.

У қўли гул уста бўлиб лойдан элдошларига иморатлар қуриб берар ва уларнинг олиқшларига сазовор бўларди. Қишлоқда отанин қўли тегмаган имо-



рат йўқ ҳисоби. Лойкашлик ҳалоллик ва покликни талаб этадиган касб-корлар сирасига қиради. Матсафо ота балки шунинг учун ҳам шу касбни танлаган бўлса ажабмас.

Бригадирчиликдан нафақага чиққан Матсафо ота уйда ўтиришни эп кўрмай 1990 йили 2 гектар ер олиб, хўжалик билан йилига 2 тонна гўшт ва 2 тонна сут топширишга шартнома қилиб иш бошлади. Бу собиқ шўролар давлати парчаланиб Ўзбекистон мустақилликка қадам қўяётган илк даврлар эди.

Уста Матсафо хўжалик билан қилинган шартномага асосан ҳар йили режа-

ларини ошиғи билан бажариб келган. Буни фермернинг архивида турган ҳужжатлар ҳам тўла тасдиқлайди. 5 йилда уч бош қорамол 40 бошга етди. Мол бош сони кўпайғач ер майдони ҳам шунга яраша оша борди.

Бу биз ҳикоя қилмоқчи бўлган “Уста Матсафо” кўп тармоқли фермер хўжалигининг тамал тоши эди. Уста Матсафо бошлаб берган бу ташаббус кейинчалик мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёйиб фермерлик ҳаракати бошланиб кетди. Бу илк қалдирғоч фермер заминиди “Уста Матсафо” кўп тармоқли фермер хўжалиги вуждуга келди.



## ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

“Уста Матсафо” фермер хўжалиғи асли чорвачилик йўналиши бўйича очилган бўлиб, кейинчалик уни кўп тармоқли қилиш ҳаракати бошланди ва наслии чорва моллари боқишга ихтисослаштирилди. 2006 йили банкдан 20 миллион кредит олиб Украинадан зотдор сигирлар олиб келинди. Кейинчалик 2007-2008 йилларда ҳам яна наслии зотдор моллар билан кўпайди. Зотдор моллар бош сони йил сайин ошиб борди. Чорва фермасида молларни сунъий қочириниш пункти, чорвадорлар дам олиш уйи ташкил этилди. Ҳозирги кунда чорва моллари сони 200 бошдан ошди. Даромад ҳам чакки эмас. Кунига 600-700 килограмдан сут сотиляпти. Аҳолига имтиёзли кредит ҳисобига зотдор сигирлар берилмоқда. Шу яқингача

60 бошдан зиёд зотдор сигирлар аҳолига етказиб берилди. Бу эса 300 миллиондан зиёд даромад дегани.

Пахта ва галлачилик йўналиши ҳам фермер хўжалиғида сардаромад соҳалардан ҳисобланади. 20 гектар майдонга пахта, 25 гектар майдонга бугдой экилди. Пахта ва галладан мўл ҳосил олинди. Режа ошиғи билан урданди. 50 гектар майдонга чорва моллари учун озуқа экинлари экиб олинди.

Булардан ташқари фермер хўжалиғида икки гектар майдонда бог, сабзавот ва полизчилик йўналишлари ҳам бирдай олиб борилляпти.

– Маҳалла марказида “Маҳалла гузари” қуряпмиз, – дейди фермер Шухрат Ўдабоев. – Ана шунинг қошида сутни қайта ишловчи мини қорхона очишни мўжаллаб турибмиз.

“Маҳалла гузари” фермернинг ўз ҳисобидан бунёд бўлмоқда. У ерда оталар чойхонаси, эркаклар ва аёллар салони, этикдўзлик, дорихона, дўкон ва албатта тўйхона қуриляпти. Гузарнинг ишга тушиши билан 20 га яқин ишчи ўрни ҳамда маҳалла аҳли учун қулайлик яратилади.

Яна бир тармоқ шақлланыпти. Буям бўлса асаларчилик. Ҳозирда 30 дан зиёдроқ асалари оиласи парваришланмоқда. Келгусида уни икки юз уяга етказиш режа қилинган.

Фермер хўжалиғи қаторасига уч йил ташаббус кўриктанловининг Республика бошқичида қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб қайтди. Булардан ташқари Шухрат Ўдабоев “Шухрат” медали билан тақдирланган. У туман кенгаши депутати ҳамдир. 2017 йилда таълим муассасаларига кўрсатган ҳомийлик ёрдамлари учун Халқ таълими вазирлигининг “Таълим ҳомийси” нишони билан тақдирланган.

## ОҒИЗБИРЧИЛИК

Матсафо ота 2003 йили дунёдан ўтган фарзандлари оиланинг тўнғичи Раҳмонберган атрофида жиғислашишди. Уларнинг бутун саъй-ҳаракатлари отаси бошлаб берган фермер хўжалиғини раванқ топтиришга қаратилди. Оиланинг тўртинчи фарзанди Шухрат Ўдабоев фермерга бош бўлди.

Раҳмонберганнинг асли касби иқтисодчи эмасми у иш юритувчи этиб тайинланди. Дастлаб икки гектар ва 3 бош қорамол билан иш бошлаган фермер хўжалигининг бугунги ер майдони 105 гектарни ташкил этади. Қорамоллар сони 200 бошдан ошди. Бу ўз ўзидан бўлмади, албатта. Бунинг тағ замирида

қанчалик машақатли меҳнатлар ётибди?

– Отамиз бизга кўп нарсаларни ўргатиб кетди, – дейди Раҳмонберган Ўдабоев ўша даврларни эслаб. – У киши янгиликка интилувчи, дунё хабарларидан бохабар бўлиб турувчи инсон эди. Чертагимизда радио бўларди. Бир пиёла чой ичишга келса ҳам дарров радионинг мурватини бураб унга қулоқ тутарди.

Оиладаги оғизбирчилик, ҳалолик, саховатпешалик Матсафо отадан фарзандларига ўтди. Саккиз ўғил бир бўлиб иш бошлашди. Фермер хўжалиғи кўптармоқли эмасми, унинг ҳар бир соҳасига оиланин аъзоларидан бири масъул этиб бириктилди. Чорвачилик-

ка Жасурбек Ўдабоев бош. Санъатбек Ўдабоев эса пахтачилик йўналишдаги ишларга масъул. Ҳикматжон Ўдабоев бўлса донли экинларнинг, яъни бугдой, шолп парвариши, уларни йиғиб-териб олиш ишларини қаятий назоратига олган. Техникаларнинг саз ҳолатда бўлиши учун Ражаббой Ўдабоев жавобгар. Қойил қоларли жойи шуки, оиланин 10 нафар аъзоси ҳам шу фермер хўжалиғидан манфаатор, қийинчилиғу шодлиғини бирдай баҳам кўришади. Оғизбирчилик бари бир яхшида. Фермер хўжалиғи кириш-чиқим дафтари юришилган. Уни оиланин яна бир аъзоси Неъматжон Ўдабоев адолатли юришиб боради. Чунки ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор.

Уста Матсафо ота ҳар доим фарзандларига бир қўлинг доим хайрда бўлсин, деб айтгучи эди. Ўзи ҳам саховатпеша инсон бўлиб, ҳатто ўзи нонга зор бўлган даврлари ҳам, маҳалладошлари сўраб келса бир бурда нонини улардан қизғанмасди, бирга баҳам кўрарди. Ана шу хайру саховатчилик ундан фарзандларига ҳам юкди.

Фермер хўжалиғи 2001 йилдан бери қишлоқдаги 33-мактабга ҳомийлик ёрдами ни кўрсатиб келади. Мактабни таъмирлаш ишларими, моддий техника базасини мустаҳкамлашми ҳамши жамоанин бир ёнида далда бўлиб “Уста Матсафо” фермер хўжалиғи туради. Ҳатто Шухрат Ўдабоев 2007-2008 ўқув йилидан бошлаб аълочи ва жамоатчи ўқувчилар учун “Матсафо ота”-номидидаги степендия ҳам жорий қилган. Унда ҳар бир чорак якунида яхши ютуқларга эришган ўқувчилар рағбатлантириб борилади. Булардан ташқари жорий ўқув йилидаги “Менинг мактабим-менин уйим” деб номланган сўнги кўнгиноқ тадбирида 20 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчиларга пул мукофотлари ва эсдалик совғалари берди.

– Шухрат акадан миннатдормиз, – дейди мактаб директори Фарҳод Юсупов. – Унинг саъй-ҳаракатлари билан аълочи ўқувчиларимиз сони йилдан йилга кўпаймоқда. “Уста Матсафо” фермер хўжалиғи томонидан 2007-2008 ўқув йилидан то шу кунгача 196 нафар ўқувчига 4 миллион сўмга яқин стипендия берилди.

Шухрат Ўдабоев халқ таълимининг фидоийси. Ўқувчиларни жуда яхши кўради. Айниқса, билими зўр ўқувчилар унинг жони дили. Қишлоғидан юрт танийдиган инсонлар етишиб чиқишини жуда-жуда хошлади. Орттирган бир сўм пули бўлса уни ҳам мактабга ҳомийлик учун сарфлайди. Яқинда мактаб кутубхонаси учун 500 000 сўмлик китоблар совға қилди. 2 та синф хонасини чиройли қилиб таъмирлаб берди.

Булардан ташқари, фермер маҳалладошларига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб келаётир.

Пандемия даврида кам таъминланган оилаларга гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди. Маҳалласидаги ночор оилаларни ўз оталиғига олди. Қилган ҳомийлик ёрдамлари учун “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



## Сирдарё вилояти

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январда Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатни ривожлантиришнинг истиқболли йўллари, аниқ стратегиясини белгилаб бериб, барча соҳаларда ошқора ва шаффофликни таъминлаш лозимлигини таъкидлаган эдилар. Шунга кўра, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияларида илк бор ҳокимларнинг депутат ва фаоллар, кенг жамоатчилик олдида халққа мурожаатлари эшитилмоқда. Вилоят туман ва шаҳар Кенгашларида бўлиб ўтган сессияларда ҳам ҳокимлар аҳолига мурожаат қилиб, туманни (шаҳарни) ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилги якунлари ва 2021 йилдаги долзарб вазифалар ҳақида ҳисоб бердилар.

Вилоят ҳокимлиги мажлислар залида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 15-сессияси бўлиб ўтди. Унда битта масала – вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2020 йил якунлари ҳамда 2021 йилги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Сессия ишини Гулистон давлат университети ректори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муҳсин Ходжиев бошқариб борди.

Сессияда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутатлари билан бирга вилоят секторлари раҳбарлари, сиёсий партиялар, маҳаллалар фаоллари, вилоят корхона-ташкilotлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят ҳокими Ф. Мирзаевнинг 2020 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда бу борада белгиланган 2021 йилги долзарб вазифалар тўғрисида халққа мурожаати тингланди.

Айтиш мумкинки, якунланаётган 2020 йил вилоят аҳли учун икки қарра синовли йил бўлди. Пандемиядан ташқари, 1 май куни Сардоба сув омборида юзага келган техноген вазият сирдарёликларни яна бир марта синовдан ўтказди. Халқимизнинг аҳиллиги, сахийлиги, меҳр-оқибатчилиги ана шу синовларда яққол намоён бўлди.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида барча вилоятлардан келган қурувчилар катта бунёдкорлик ишларини бажардилар. Қисқа вақтда 1800 дан зиёд бетон панелли уйлар, 3 та 2640 хонадонли шаҳарча республика ва ҳимийлик маблағлари ҳисобига 150 кунда қуриб, битказиб эгаларига топширилди.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда



## “СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ – СИРДАРЁ НАМУНАСИ”ГА АЙЛанаДИ

қишлоқ хўжалиги йўналишларида умумий қиймати 1 трлн. 360 млрд. сўмлик 279 та лойиҳа амалга оширилиб, 4631 та янги иш ўрни яратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,5 баробар ошганлигини кўрсатади. Ушбу лойиҳалар рўёби учун 754 млрд. сўмлик банк кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, вилоятда 2020 йилда 186,3 млн. АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестициялар киритилди. Инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 2020 йилнинг ўзига 2 мингдан зиёд янги иш ўринлари барпо қилинди.

Вилоятда 178 млн. долларлик экспорт амалга оширилиб, бу борада белгиланган режа 100,5 фоизга уддаланди.

Энг йирик лойиҳалар ҳақида гапирадиган бўлсак, Сирдарё туманида қиймати 13 млн. доллар, 200 нафар янги иш ўринлари эга полипропилен қоплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Сирдарё Мега Люкс” қўшма корхонаси, Гулистон туманида қиймати 26 млн. долларлик, 400 нафар янги иш ўринлари эга бўлган замонавий кийим кечак ҳамда ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Милитекс Сирдарё” корхоналари ишга туширилди.

Йил якунида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11 трлн. сўм ёки 100,4 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз даражаси тўлиқ адо этилади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 2020 йилда 74 фоизни ташкил қилди, аҳоли жон бошига 13 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 0,7 млн. сўмга ошишига эришилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хорижий ҳамкорлар билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш борасида ҳам ижобий келишувларга эришилди.

Хусусан, Вилоят делегацияси Қозғистон ва Тожикистон давлатларига расмий ташриф буюриб, жами 41 млн. долларлик, шундан, 11 млн. долларлик экспорт ва 30 млн. долларлик инвестиция киритиш бўйича 7 та шартномаларни имзолади.

Энг эътиборли жиҳати, бандликни таъминлаш бўйича ижро қилинган дастурларга асосан вилоятда 14 минг та

«Хар бир оила тадбиркор» давлат дастурига асосан тижорат банклари томонидан 5653 та фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига 181 млрд. сўм кредит маблағлари берилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида 280 та кичик бизнес субъектларининг фаолияти қайта тикланди.

иш ўринлари яратилди, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,1 фоиз кўпдир.

Жорий йилда 6955 та оилаларга 228 млрд. сўм тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ажратилди. Бундан ташқари, “Хар бир оила тадбиркор” давлат дастурига асосан тижорат банклари томонидан 5653 та фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига 181 млрд. сўм кредит маблағлари берилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида 280 та кичик бизнес субъектларининг фаолияти қайта тикланди.

“Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида жорий йилда қиймати 219 млн. долларлик 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 3355 та янги иш ўринлари яратилди. 3 та кичик саноат зонасида умумий қиймати 63 млрд. сўмлик 13 та лойиҳа амалга оширилди ва уларда 7 млрд. сўмлик 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Вилоятда 18 мингта оила ҳамда унинг 74 минг нафардан зиёд аъзолари камбағал, деб эътироф этилиб “Темир дафтар”га киритилган. Бугунги кунда “Темир дафтар”га киритилган 18 минг меҳнатга лаёқатли аҳолининг 17,7 минг нафари (98%) бандлиги таъминланди. Йил якуни билан “Темир дафтар”да 1,8 минг та оиланинг 6,7 минг нафар аъзолари қолши қутилмоқда.

Жорий йилда вилоятда 73 минг гектар ерда пахта, 85 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштирилди. Қабул саройларига 178 минг тонна ўрнига 187 минг тонна дон топширилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш унумдорлиги ва рентабеллигини ошириш, экспорт ҳажмини кескин кўпайтириш мақсадида 7 та пахта тўқимачилик кластерлари

ташкил этилди. Кластер хўжалиқларида иш илмий асосда ташкил этилганлиги, моддий манфаатдорлик биринчи даражали масала этиб қўйилгани, янги технологиялар амалиётга кенг татбиқ этилганлиги боис пахта ҳосилдорлиги 20 центнердан 26,2 центнерга ортди. Бунинг натижасида хирмонларга 168 минг тонна ўрнига 184 минг тонна сифатли хомашё уюлди.

Жорий йилда қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчилик йўналишларида жами 32 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Ушбу лойиҳаларга 54,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди, 32 та лойиҳа тадбиркорларнинг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилди. Натижада бу жабҳаларда ҳам 175 та янги иш ўринлари яратилди.

Энг асосийси, озиқ-овқат хавфсизлиги ва бозорларда нарх-наволар барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2020-2021 йил қиш ва баҳор мавсуми учун 4 та асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 10 минг тонна картошка, 5 минг тонна пиёз, 3 минг тонна сабзи, 2 минг тонна гуруч захираси яратилди.

Жамғарилган маҳсулотлар вилоятдаги 37 та музлаткичли камералар ва омборхоналарда сақланмоқда.

Сув ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланиш мақсадида 2020 йилда 2337 гектар пахта майдонларида тежамкор технологиялар жорий этилиши натижасида 30 млн. метр куб сув иқтисод қилинишига эришилди. 2021 йилда бу йўналишга 113 млрд. сўм сарфлаб, 5637 гектар майдонда тежамкор технологияларни қўлаш ҳамда 17924 гектар ерда лазерли текислаш ишлари олиб борилади.



# ҲАМ ФЕРМЕР, ҲАМ ДЕПУТАТ

## Андижон вилояти

Андижон вилояти азалдан миришкор ва омилкор деҳқон, фермерлар юрти ҳисобланади. Бу борада узоқ йиллар аграр соҳа устувор бўлган Бўстон туманининг алоҳида ўрни бор. Боиси туманда ўз ишининг устаси бўлган миришкор ва омилкор фермерлар талайгина. Ана шундай фермерлардан бири шу тумандаги “Диёрбек Дилёрбек” фермер хўжалиги раҳбари Диёрбек Давидовдир.



Диёрбек Давидов раҳбарлигидаги фермер хўжалигининг умумий экин майдони бугунги кунда қарийб 230 гектарни ташкил этаётган бўлиб, шундан 100 гектари ғалла майдонига ажратилган. Ғалла майдони атрофлари аллақачон четан билан ўралган ва маҳаллий ўғит ҳам ҳозирлаб қўйилган. Аини пайтда фермер хўжалиги аъзолари бугдой майсаларини астойдил парвариш-ламоқдалар.

– Хўжалигимизда барчамиз бор эътиборимизни ғалла парваришига қаратганмиз, – дейди “Диёрбек Дилёрбек” фермер хўжалиги раҳбари Диёрбек Давидов.

– Сабаби, яхши парвариш мўл ҳосил гарови. Бунга мен фермерчилик фаолиятимда кўп бора гувоҳ бўлганман.

Албатта, деҳқон, фермерларимиз меҳнати билан ризқ-рўзимиз бунёд этилади. Улар бошчилигида фермер хўжаликларига экинларни парвариш-лаш, агротехник тадбирларини ўз вақтида олиб бориш эса ҳосил салмогини

янада оширади. Буни яхши англаган фермер хўжаликдаги ҳар бир иш жараёнига алоҳида эътибор билан ёндашади. Бунинг самарасида эса фермер хўжалиги ҳар йили яхши натижаларга эришиб келаётди. Биргина мисол. У жорий йилда ғалла билан бирга пахтадан ҳам мўл ҳосил олишга эришди. Айниқса, давлатга пахта топшириш бўйича шартномавий режани 115 фоизга бажарганлиги уни янада руҳлантириб юборди.

Ана шундай ҳалол меҳнатлари ортидан иқтисоди юксалиб бораётган Диёрбекнинг ютуқларидан отаси Абдурашид ака, онаси Офтобхон аялар ҳам хурсанд, эртаю кеч дуо қилиб, барча фарзандларининг бахту, омадини яратгандан сўрайдилар. Ота она дуоси эса шубҳасиз мустаҳоб бўлур. Шу боисдан бугун у нафақат миришкор ва омилкор фермер, балки Халқ депутатлари Бўстон тумани Кенгаши депутати ҳамдир.

Илҳомжон ТОЖИБОЕВ

## Фарғона вилояти

# Сув тежовчи технологиялар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда

**Вилоятнинг деярли ҳамма шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластери корхоналари томонидан 2021 йилда сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича ўқув-семинарлари бўлиб ўтмоқда.**

Туманларда уч кун давомида бўлиб ўтган ўқув-семинарларида тўртала сектор раҳбарлари ҳокимларнинг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги бўлими бошликлари, “Агроинспекция”, фермерлар кенгаши, кадастр бўлими, муқобил МТП раҳбарлари, пахта-тўқимачилик ва мева саб-



завотчилик кластер корхоналари бошлиқлари, тижорат банклари вакиллари, фермерлар, ер тузувчилар, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича қурувчи ташилотлар бошлиқлари қатнашдилар.

Таъкидландики, 2020 йилга қадар вилоятдаги 362 минг гектар суғориладиган майдонларнинг 27 минг гектарида ёки 7,5 фоиз қисмида сув тежовчи технологиялар жорий этилган ҳолос. Жорий йилда 6827 гектар (режага нисбатан 133 фоиз) майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, 45,2 миллион метр куб сувни иқтисод қилишга эришилди.

Келгуси йилда 40 минг 178 гектар майдонда сув тежовчи техно-

логияларни жорий этиш, шундан 18000 гектар пахта, 2228 гектар боғ, 1450 гектар тоқзорларда томчилатиб суғориш ҳамда 2700 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш ва 10 минг гектарда эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари жорий этилиши белгиланди.

Президент қарори билан сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ердан фойдаланувчиларга бир қатор афзалликлар ва имтиёзлар берилиши тушунтирилмоқда. Фермерларнинг кўпчилиги ҳозирдан сув тежовчи технологияларни ўз ерларида қўллаш истагини билдиришмоқда. Улар билан шартномалар тузиш йўллари тушунтирилмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Курилиш соҳасида 864 млрд. сўмлик маблағ ҳисобига 86 та ижтимоий соҳа объектлари ҳамда 136 та инфратузилма объектлари таъмирланди ва қурилди.

Дастур доирасида 215 км. ичимлик суви тармоғи, 6,4 км. оқова сув тармоғи тортилди, 14 дона сув иншоотлари, 13 дона сув олиш қудуғи, 7 дона сув минораси, 7 дона трансформатор ва 3 дона сув тозалаш иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди.

2021 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланаётган режалар бундан ҳам юксак. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 13 трлн. сўмга, хизмат кўрсатиш ҳажмини қарийб 3,5 трлн. сўмга етказиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 102,1 фоиз адо этишдек юксак марралар белгиланган. Маҳсулотлар экспортини 189,5 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Озиқ-овқат саноати йўналишида 151 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 3 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилади ва бу жабҳаларда минга яқин янги иш ўринлари яратилади.

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт ва Осийе инфратузилмавий инвестициялар банкидан ажратиладиган 9 млн. АҚШ долларлик маблағлар ҳисобига 40 та умумтаълим мактаби, 19 та таълим, 6 та тиббий муассасада қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилади, 159 км. тоза ичимлик суви тармоғи, 107 км. электр линияси тортилади, 66 дона трансформатор ва 2 900 та таянч устунлари ўрнатилади ҳамда 252 км.га яқин ички йўллар таъмирланади.

Келгуси йилда “Кўхна Ховос” зиёратгоҳи ҳудудида сайёҳлар учун “Улқашунослик” музейи ташкил қилинади.

Яна бир эътиборлиси, Гулистон шаҳрида барча қулайликларга эга бўлган замонавий “Гулистон сити” мажмуаси қурилиши бошлаб юборилади.

Шунингдек, замонавий менежментни йўлга қўйиш, кадрлар захирасини яратиш, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, бошқарув тизимида депутатлар ролини ошириш, янги ишлаб чиқилган солиқ концепцияси асосида ишларни ташкил этишга ҳам ҳар томонлама эътибор қаратилади.

Вилоят ҳокими Ф.Мирзаевнинг ҳисобот-мурожаати депутатлар томонидан қизгин муҳомақа қилинди. “Сирдарё тажрибаси” барча жабҳаларда юксак самаралар беришига депутатлар катта ишонч билдирдилар. Мурожаат юзасидан сўзга чиққан депутатлар ўз таклиф ва фикрларини баён қилдилар.

Сессияда кўрилган масалалар депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов қатнашди ва сўзга чиқди.

Сессия тугаганидан сўнг ҳокимнинг қабуллар саройида вилоят ҳокимининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув-брифинги ҳам ташкил этилди. Вилоят ҳокими журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб берди, долзарб масалаларни ҳал этишда журналист ва блогерлар билан ҳамкорлик қилиш яхши натижалар бераётганини эътироф этди. Барча масалаларда ошқоралик, шаффофлик ҳокимликнинг доимий иш тамойилига айланиб қолажасига ишонч билдирди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.





## “ЯНГИЙЎЛМАХСУССУВПУДРАТ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни  
Янги йил байрами билан  
қутлайди. Байрам  
кўнгулларимизга шоду  
хуррамлик, хонадонларимизга  
қут-барақа, оилавий  
хотиржамлик олиб келсин!  
Дехқончилик ишларимиз  
бароридан келиб, сувимиз  
мўд-кўд, етиштирадиган  
хосилларимиз барақади  
бўлсин!



**Байрам кайфияти доимо ҳамроҳингиз бўлсин!**





**Хоразм ВИЛОЯТИ**

17 декабрь буюк мутафаккир шоир, беназир тарихчи ва моҳир таржимон, давлат ва жамоат арбоби Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллуди куни. Улуғ бобокалонимиз умри давомида ўзбек адабиёти, бадиий таржима санъати ривожига катта ҳисса қўшиш билан бирга бебаҳо ижод маҳсуллари ва сермазмун таржима асарларини бизга мерос қолдирган.

# Улуғ шоирга эҳтиром

Сана муносабати билан бир гуруҳ ижод ва илм аҳли Хивадаги Қиёт қишлоғида жойлашган, шоир мангу кўним топган Шайх Мавлон бобо зиёратгоҳига йўл олдилар. Мазкур зиёратгоҳдаги бир қубба остида ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоёндаси шоир, тарихчи, таржимон, ҳаттот, мироб, маърифатпарвар шоир Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ва шоир ва тарихчи Шермуҳаммад Мунис (Огаҳийнинг тоғаси) қабрларини зиёрат қилиб, улар руҳига Қуръон тиловат қилдилар. Шундан сўнг шоир уй музейини бориб кўрдилар. Огаҳий уй музейидан бир олам таассурот олган тadbир иштирокчилари Огаҳий ижод мактабида ташкиллаштирилган буюк сиймо Огаҳий таваллудининг 211 йиллик адабий бадиий кечасида иштирок этдилар.

Бир бирдан зукко, зехнли, истеъдодли ўқувчилар томонидан айтилган Огаҳийнинг назм гулдастаси – гўзал шеър ва ғазаллари кўнгилларга илиқлик бахш этди. Юксак маҳорат билан ижро этилган Огаҳий ҳаёти ижодий фаолиятини ёритувчи саҳна кўринишлари йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлди. Бадиий кеча Хива тумани мусиқа мактаби ўқувчилари томонидан янграган оҳанграбо куй-қўшиқлар ва гўзал рақсларга уланди.

Тadbирда адиб Шухрат Маткарим, устоз драматург, шоир Курбон Муҳаммадризо, шоир Сотим Аваз, вилоят ҳокими ўринбосари Равшан Худойберганов, филология фанлари номзоди Мадина Матқубова, ижод мактаби директори Сарвар Абдуллаев сўзга чиқиб, Огаҳийнинг шоирлик, таржимонлик, тарихнавислик фаолияти, юксак бадиий маҳорати, серқирра ижодкор сифатидаги бой маънавий мероси ҳақида маълумот бердилар.

Тadbир сўнгида Огаҳий ижод мактаби истеъдодлари орасидан “Китоб ҳақидаги энг яхши шеър, мақола, бадиий публицистика” танловида фаол иштирок этган ва ғолиб бўлган бир қатор ўқувчиларга фахрий ёрлик ва эсталик совғалари топширилди. Ижод мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Мадина Матқубова бўлимининг эҳтиром ёрлиғи билан тақдирланди.

Устоз шоир Йўлдош Раҳим ўзининг янги нашр қилинган “Урганчим – шаҳрим, фаҳрим” номли китобини Огаҳий уй музейи ва ижод мактабига совға қилиб, шоир қалбидан эзгу тилақлар билдирди.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ.**

## Аҳолини рўйхатга олишдан қандай иқтисодий наф бор?

**Аҳолини рўйхатга олиш меҳнат ва уй-жой бозорларини режалаштириш, республика бюджетини тузиш, транспорт сиёсатини юритиш, электр энергетика, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари, тил ва диний сиёсат масалаларида жуда муҳим аҳамиятга эга.**



Лўнда қилиб айтганда, қайси соҳада бўлмасин, келажакни башорат қилишни аҳолини рўйхатга олиш натижаларисиз режалаштириб бўлмайди. Қолаверса, аҳоли жон бошига макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда муҳим ўрин тутаети. Республика ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот манбаи сифатида хизмат қилади. Аҳоли пунктларининг инфратузулмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқишда ишлатилади.

Бундай маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни олдиндан баҳолаш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг вазибаларини бажариши, илм-фан ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, республикада 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тadbирини ўтказиш белгиланган эди. Бугунги кунда дунё миқёсида глобал муаммоларни келтириб чиқараётган ҳамда ижтимоий-иқтисодий режаларнинг ортга сурилишига сабаб бўлаётган коронавирус пандемиясини туфайли, кўпгина давлатлар аҳолини рўйхатга олиш тadbирини ўтказиш муддатларини кейинги йилларга кўчириш чораларини кўрмоқда. Ушбу сабабга кўра ҳамда республикада аҳолини рўйхатга олиш тadbирини илк бор ўтказилаётганлигини инобатга олиб, пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-tadbirlari тўғрисида”ги қарори билан республикада аҳолини рўйхатга олиш тadbiri 2023 йилда ўтказилиши белгиланди.

Хўш, аҳолини рўйхатга олиш тadbirlarини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар қайси молиявий манбалар ҳисобига қопланади?

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аҳолини рўйхатга олиш тadbирини ўтказиш анчагина маблағ талаб этади. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш концепциясига мувофиқ аҳолини рўйхатга олиш тadbirlarини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун билан таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга, унинг материалларини қайта ишлашга, натижаларини олиш ва эълон қилишга жалб этилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган нормативлар асосида амалга оширилади.

Қисқа қилиб айтганда, ҳар бир юрдошимиз ватанимиз ва ўзининг ёрқин келажак учун олиб борилаётган кенг қўламли жамоат тadbirlarидида фаол иштирок этади, деган умид-дамыз.

**Учкунжон КАРИМОВ,**

Учтепа тумани статистика бўлими бошлиғи.

## Кучли таъсир этувчи заҳарли газлар

**Кучли таъсир этувчи заҳарли газ асосан суюлтирилган газ, табиий газ, кўмир ва ёғочларнинг ҳаво этишмаслиги натижасида чала ёнишдан ҳосил бўладиган ис газидир.**

Ис гази ҳосил бўлишига сабабчи бўлиши мумкин бўлган яна бир омил, бу куз-қиш мавсумида хонадонларни иситишда фойдаланиладиган ностандарт қўлбола иситиш воситалари ҳисобланади. Чунки қўлбола иситиш печларнинг ичида ёнаётган газда етарлича ҳаво мавжуд эмас. Куз-қиш мавсумида хоналарнинг эшик, ромлари очилмайди, натижада хона-

га ҳаво кирмайди ва қўлбола иситиш печи ичкарисида ёнаётган газ тўлиқ ёнмай, ис гази ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Ис гази рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз газ бўлиб, нафас олинувчи ҳавонинг таркибида 0,1 фоизни ташкил этса, ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Ис гази одам организмига тушганда, қон таркибидаги гемоглабин ва кислород ташувчи эритроцитларни

ўзаро боғлаб, кислороднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Натижада, ис газидан заҳарланиш ҳолати юзага келади.

**АТХАМ КЕНДЖАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви  
академияси  
биносиди ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ  
инспектори,  
катта сержант.

## ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази ВМ-771-сонли қарориди тасдиқланган штат бирлигига асосан бўш иш ўринларига мутахассисларни тақлиф этади.**

1. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва агротоксикология лабораторияси мудири – Илмий даражага эга бўлган, биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.
2. Фумигация ва феромонларни қўллаш лабораторияси мудири – Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.
3. Дала назорат тажрибаси тахлили ва прогнолаштириш лабораторияси мудири – Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.
4. Карантин зараркундаларини ўрганиш ҳамда уларга қарши биологик усуллар ишлаб чиқиш лабораторияси мудири – Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.
5. Ўсимликларнинг карантин касалликларини ўрганиш лабораторияси – Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.
6. Карантин белона ўтларни ўрганиш лабораторияси – Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот марказида Тошкент давлат аграр

университетининг Термиз, Нукус, Самарқанд ҳамда Андижон қишлоқ ҳўжалиғи ва агротехнологиялар институтида ташкил этилган минтақавий филиалларига қўйидаги мутахассисларни ишга тақлиф этади.

1. Энтомология ва гербология лабораторияси мудири – Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.
2. Фитопатология ва токсикология лабораторияси мудири – Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.
3. Карантиндаги зарарли организмлар ва дала тахлиллари лабораторияси мудири- Илмий даражага эга бўлган биология ёки қишлоқ ҳўжалиғи фан номзоди, фан доктори.

**Яратилган шароитлар:**

ЎзРес Меҳнат кодексига биноан иш тартиби белгиланган, меҳнат муҳофазаси кафолатланган.

Иш ҳақи миқдори штат бирлигига асосан.

**Манзил:** Тошкент вилоти


Қиёрай тумани Бобур кўчаси 4-уй.

**Мурожаат учун:** (95) 340-40-70


**Электрон почта:** ilmiymarkaz@karantin.uz



**Азиз ҳамюртлар!  
Тошкент кўприклардан фойдаланиш  
унитар корхонаси жамоаси**



*барчангизни тобора яқинлашаётган  
Янги йил билан қутлайди ва ватанимиз  
равнақи, эл-юрт манфаати йўлидаги  
эзгу ишларингизда янгидан-янги  
зафарлар тилайди. Юртимиз  
тинчлигига, аҳиллигимизга кўз  
тегмасин, хонадонларимиздан файзу  
барака аримасин!*





ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН

## “ТУРОН-ХЎЖАЙЛИ” акциядорлик жамияти жамоаси

*барга юрtdошларимизни, жумладан,  
ёи-мой саноати шизимида меҳнат  
қилаётган ҳамкасб дўстларини, устозларини  
кириб келаётган*

### Янги йил

*байрами билан самимий муворақбод  
этади. Келаётган йилда ҳам кўнглимизга  
хуррамлик, гурур ва ифтихор  
бағишлаётган муваффақиятли ишларимиз  
янада кўпаяверсин!*


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ФЕРМЕР ВА ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**



**«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ**

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат аслик даражасини белгилаш палатасига тегишли бўлган 32-сонли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«PHARMA CARE» МСҲ ҚҚ (СТИР 207142629) ўз таъсисчилар сафида ўзгариш бўлганлигини ва устав фонди камайганлигини маълум қилади. Эътирозлар 90-009-30-22 рақами орқали 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Ю.Ражабий номли Тошкент педагогика коллежи томонидан 2014 йилда Жўраев Хумоюн Садридин ўгли номига берилган К№3542709 (рўйхат рақами№ 378) рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган «OLMOS BLOK» М-ҲЖга Олмазор т. Гапаба кўчаси 1-уйда жойлашган кадастр рақами ер майдонига 10.08.03.01.03.0005, бино иншоотига 10.08.03.01.03.0005 бўлган объект 2-1008-19-00382, реестр рақамсиз 17.06.2019й да олинган кадастр йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.





## АВТОМАГИСТРАЛЬ ИАЙҚТБ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини  
Янги йил байрами  
билан қизғин табриклайди.  
Юртдошларимизга кириб  
келаётган 2021 йилда бахт ва  
омадлар, тинчлик-хотиржамлик  
тилайди. Янги йил барчамизга  
олам-олам қувончу шодликлар  
олиб келсин!

# 2021

### Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
таркибидagi ҳамда бошқа  
дахлдор вазирлик ва  
идоралар.

Бош муҳаррир:  
**Чори ЛАТИПОВ**

Ҳабиб ТЕМИРОВ  
(Бош муҳаррир  
уринбосари)

Раимқул СУЯРОВ  
(Бош муҳаррир  
уринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: **Маркс ЮСУПОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Жамшид ХУҲАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммадҷон  
ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ,  
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда  
№ 0020-рақам билан руйхатдан ўтказилган. Бюролма Г-1225, ҳажми 3 босма табоқ.  
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.  
Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй  
1 980 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Аграр масалалар бўлими – 236-26-47,  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.  
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2030-7023



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 20.10